



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ва тандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк сана – Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, озодлик ва эркинликка, ўз тақдирини ўз қўлига олишга интилган дунёдаги биронта халқ мустақиллик деган улуғ ва бебаҳо неъматни, сиёсий ва иқтисодий тобелик ва қарамлик занжирларидан озод бўлишни ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритгани йўқ.

Бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англадик, бошимиздан ўтказдик.

Биз бундан 18 йил олдин халқимиз асрлар бўйи орзиқиб кутган миллий истиқлолимизни эълон қилиб, ўтган давр мобайнида эзгу орзу-умидларимизга эришиш йўлида эл-юртимиз қанча-қанча узилиш ва азоб-уқубатларни, қанча-қанча етишмовчиликларни, бир сўз билан айтганда, қандай оғир ва машаққатли синовларни

бошидан кечирганини бугунги ва келажак авлодлар ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги муқаррар.

Бугун мана шундай улуғ ва ҳаммамиз учун ҳақиқатан ҳам азиз айём арафасида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, ўз куч-қудратимиз ва салоҳиятимизга суюниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлик ва бағрикенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришаётганимиз барчамизга ғурур ва мамнуният етказди, албатта.

Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислохотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охириги йилларда ва шу йилнинг ўзида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб, юртимизнинг

қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари узлуксиз юксалиб бораётганида ёрқин намоён бўлмоқда.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустаҳкам замин туғдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустақилликка эришиш, истиқлолимизни ҳар қандай хуруж ва ғаразли, ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги машаққатли курашларда тобланди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг кадр-қиммати, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик.

Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун мана шу юксак минбарда туриб, 18 йил давомида бизга хайрихоҳ бўлиб, бизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва мадад бериб келаётган дўсту биродарларимизга, биз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга руҳсат бергайсиз.

Бизнинг бугунги тантанамизда қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга юракдан чиққан олқишларимиз билан ўз ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этсак, айни муддао бўлади.

Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган барча-барча юртдошларимизга, муътабар кек-

саларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда доимо латофат ва гузаллик, вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чарогон этиб келаётган мунис аёлларимиз, опасингилларимизни самимий қутлаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азмушижотини намоён этиб ўтирган ўғил-қизларимизни, ҳақиқатан ҳам эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган бутун мамлакатимиз ёшларини, уларга таълим бераётган устоз-мураббийларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажакимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик қутлуғ байрами билай яна бир бор табриқлайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ҚАСАМЁД

ҚАСАМЁДГА СОДИҚ БЎЛ, ЎҒЛОН!

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажакимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ.



Уларнинг энг улуғ, энг азиз айём куни қасамёд қилишларида улкан рамзий маъно бор. Бу уларнинг ҳуррият сабабли шундай буюк бахтга эришиб

турганлигига, энг олий неъматимиз бўлмиш – тинчлик ва осойишталикни асрашга масъул эканликларига ишорадир. Юртга бўлган меҳру муҳабба-

Мамлакатимизда қутлуғ айёмлар – Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва пойтахтимиз азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланаётган муборак кунларда анъанага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ИИБ олий таълим муассасаларида биринчи курсга қабул қилинган йигит ва қизларнинг юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш, она-Ватанни кўз қорачигидек авайлаб-асраш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қасамёд қабул қилиш тантаналари бўлиб ўтди.

тини, садоқатини қасамёдда битилган сўзлар билан уйғун тарзда изҳор этишга, она-Ватан шаънини юксалтиришга кўтаришга тайёр туришибди.

... Республика ИИБ Академияси саф майдони узра байрамона руҳ кезмоқда.

Республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир



Матлюбов ва меҳмонлар минбарга кўтарилди. Академия шахсий таркиби қасамёд қилиш тантанасига сафланганлиги маълум қилинганидан сўнг,

тингловчилар биринкетин Ватанига, халқига, Президентига содиқ бўлишга қасамёд қилишди.

(Давоми 2-бетда).

ҚАСАМЁДГА СОДИҚ БЎЛ, ЎҒЛОН!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Академияда аъло ўқиши, намунали хулқи, жамоат ишларида фаол иштироки ва ташкилотчилик қобилиятини яққол намоён қилиши билан сафдошларига ўрнак бўлиб келаётган уч нафар тингловчини «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг стипендианти» Фахрий ёрлиги билан тақдирлаш тўғрисидаги республика Ички ишлар вазирининг буйруғини вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов ўқиб эшиттирди. Генерал-лейтенант Б. Матлюбов стипендиатларга Фахрий ёрлиқни топшираркан, уларнинг келгусидаги ўқиш ва ишларида муваффақият тилади.

Шундан сўнг республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовнинг маърузаси тингланди. Вазири ҳозиргина қасамёд қабул қилган йигитларга қарата яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, Академия профессор-ўқитувчилари, устоз ва мураббийлар ёрдамида зарурий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари ва етук мутахассис кадрлар бўлиб етишишлари лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, тингловчиларнинг келажакда фидокорона хизмат билан халқимиз ишончини ҳамда қабул қилган қасамёдларини оқлашларига умид билдирди.

Академиямизда тингловчиларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча шароитлар етарли, — дейди ўқув бўлими бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар номзоди, подполковник Тўлқин Маматқулов. — Ҳозирда уларнинг таълим олиши учун замонавий моддий-техника базаси яратилган. Кенг, ёруғ ўқув аудиториялари, маъруза заллари, ўқитишнинг замона-

вий усулларидан унумли фойдаланиш учун зарурий техника воситалари тингловчилар ихтиёрида.

— Фарғона вилояти Учкўприк туманидан келдик, — дейди биз билан суҳбатда Маърифатхон Султонова. — Ўғлим Бахтиёржон ўтган йили Академияга ҳужжатларини топшириб, тест синовларидан ўтолмаганди. Мана, бу йил аҳдига содиқ фарзандим тингловчи деган шарафга сазовор бўлди. Ниятим, энди у мардларга хос шижоат билан юрт осойишталигига ҳисса қўшсин.

— Ўғлим Бегзод Маматкаримовни тингловчилар сафида кўриб хурсанд бўлдим, — дейди зоминлик Абдурашид Маматкаримов кўзида севинч ёшлари қалқиб. — Ўтган йили қизим Манзура шу билим даргоҳини тергов йўналиши буйича битирган эди. Опасига ҳавас қилиб ўғлим ҳам ички ишлар ходими бўлишга аҳд қилди. Илоҳим, ҳаммалари ниятларига етишсин. Биз ота-оналар фарзандларимизнинг эл корига яраб, сидқидилдан хизмат қилишидан ҳар доим фахрланиб юрайлик.

Тадбирда ИИБ Ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари ўзларининг куй-қўшиқлари ва дилрабо рақслари билан барчани хушнуд эттишди.


Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби биринчи босқич курсантларнинг қасамёд қабул қилишларига бағишланган тантанали маросимни мактаб бошлиғи, генерал-майор Матрасул Собиров очди ҳамда барчани қутлуг айёмлар билан муборакбод этаркан, ушбу билим даргоҳида таълим олишга шай турган ёшларнинг келгусида устозлари, ота-оналари ишончини оқлаб, чуқур

билим ва юксак касб маҳоратини эгаллашлари учун билим масканида барча шароитлар яратилганини таъкидлади. Шундан сўнг, курсантлар Ватан, халқ, вазирилик раҳбарияти ҳамда ота-оналари олдида ўз бурчини шараф билан бажаришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш буйича зиммаларига юклатилган вазифаларни чуқур англаган ҳолда Ўзбекистон халқига ва Президентига садоқатли бўлишга онт ичдилар.

Маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов сўзга чиқиб, йигитларни қўшалоқ айём билан, курсантларни эса қасамёд қабул қилганликлари билан қутлади. Вазири курсантларга қарата жумладан шундай деди:

— Ушбу дақиқалардан бошлаб сизлар ички ишлар идоралари ходимлари сафида кўшилдингиз. Бундан буюн зиммангизга гоят маъсулиятли вазифалар юклатилади. Ана шундай шарафли вазифаларни аъло даражада бажариш учун сизлардан ўткир зеҳн, изланиш, назарий ва амалий билимларни эгаллаш, тартиб-интизомга риоя этиш талаб қилинади. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг истиқлолимизнинг ўн саккиз йиллик байрамига бағишланган табригидаги «Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажгимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!» деган мурожаати сизларни доимо руҳлантириб туради, дея умид билдираман.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар номидан кафедра бошлиғи, подполковник Дониёр Бахронов, ота-оналар



номидан Файрат Субанов, курсантлар номидан Фарҳод Кичиновлар қасамёд қабул қилганларни чин дилдан қутлашди.

Тадбирда ЁХОТМнинг ўқишда, амалиётда ва интизомда алоҳида ўрнак кўрсатган тўрт нафар курсантлари «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг стипендианти» Фахрий ёрлиги билан тақдирланишди.

— Мен Андижон вилояти Марҳамат тумани ИИБ ЁХБ 13-КЕХҚда 27 йилдан бери диспетчер бўлиб ишлайман, — дейди Обидахон Абдуқодирова. — Ўғлим Сардорбек ҳам ёнгин ўчирувчилик касбини танлаганидан мамнунман. Бугун оиламиз учун энг бахтли кун. Ахир ота-она учун фарзанди қамолани кўришдан ҳам ортиқ бахт борми дунёда?!

— Фарзандимнинг болалик орзулари рўёбга чиққанидан қувончимнинг чеки йўқ, — дейди Самарқанд вилояти Нурабод туманилик шифокор Ғолиб Нурматов. — Зарифжон эл-юрт осойишталигини сақлашга астойдил бел боғлади. Унинг келгуси ишларида омад ёр бўлсин!

Тантанали тадбир сўнггида санъаткорлар томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар маросимга файз бағишлади.

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида бугун катта тантана. Қучоқ-қучоқ гуллар кўтарган, юзу кўзида севинч балқийган ота-оналар ўқув юрти ҳовлисида саф тортган курсант йигитларга қараб ота-оналар, опа-сингиллар, дўсту биродарларининг юзидан табассум аримайди. Билим юрти ва ИИБ раҳбарияти, ҳамда бошқа меҳмонлар ташриф буюргач, ТОХТБЮ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник

Ёқуб Сайдуллаев қасамёд қабул қилиш маросимини очик деб эълон қилди.

Қасамёд — муқаддас. Унга амал қилиш, онтига содиқ қолиш шарафли бурчдир. Буни англаган, тушуниб етган ҳар бир курсантнинг кўзида бугун шижоат, ўзига ишонч туйғуси чақнаб турарди. Бирин-кетин курсантлар Ватанига, халқига, Юртбошига содиқ бўлиш учун қасамёд қабул қила бошлашди. Оналарнинг кўзидаги севинч ёши, оталар чеҳрасидаги ёрқин табассум тадбирга янада файз бергандек, шуқуқ бағишлагандек...

Ички ишлар идоралари учун офицерлар тайёрлайдиган ушбу билим даргоҳи курсантларидан тўрт нафарига Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг стипендианти» Фахрий ёрлигини топширди.

Шундан сўнг вазири барчани мустақиллик айёми, курсантларни қасамёд қабул қилгани билан самимий қутлади. Уларнинг келажакдаги ўқиш ва ишларига зафарлар тилади. Вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамовнинг ҳам дил сўзлари барчада ёрқин таассурот қолдирди. Ота-оналар номидан сўзга чиққан М. Насриддинова жумладан шундай деди:

Ишонаманки, фарзандларимиз бугун қабул қилган қасамёдида бир умр содиқ қоладилар. Юртбошимизга, Ватанимизга сидқидилдан хизмат қиладилар.

Яшар шу заминда муштира онанг,
Туғилиб кўз очган қадрдон хонанг.

Шу ерда тўқилган киндигинг қони,
Ватанга содиқ бўл,
Ўзбек ўғлони!

Биринчи босқич курсантлари номидан сўзга чиққан Ю. Эгамбердиев эса шундай деди:

— Истиқлол боис биз

мана шундай дориламон кунларга етиб келдик. Бизнинг аъло баҳоларга ўқишимиз, соҳанинг энг малакали мутахассислари бўлишимиз учун барча шароит муҳайё. Кенг, ёруғ хоналар, китобларга бой кутубхона, компьютерлар, ўқув ашёларининг барчаси биз учун. Шундай экан, мен барча тенгдош дўстларим номидан ота-оналаримиз, устозларимизнинг ишончини оқлашга, тинимсиз ўқиб-ўрганиб, етук мутахассис бўлишга ваъда бераман.

Тадбирнинг расмий қисми тугагач, ўз фарзанди билан дийдорлашишга шошаётган ота-оналардан бирини суҳбатга тортдик:

— Ўғлим болалигидан ички ишлар ходими бўлишни орзу қиларди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, орзусининг ижобати сари илк қадам ташлади. Эгнига ярашиб турган кўркам формасини кўриб қалбим қувончга тўлди, ахир ота-она учун фарзандининг элу юртга нафи тагадиган касбини танлаганини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди курсант Жаҳонгир Баратовнинг онаси Феруза Солиқова.

— Акамга ҳавас қилиб, ушбу олий ўқув юртига киришга аҳд қилган эдим. Синовларга пухта тайёрланганим зое кетмади. Энди мен ҳам акамдек юрт осойишталигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшаман. Ватанимга хизмат қилиш менинг мақсадим, — дейди бўстонлик курсант Феруз Илҳомов.

Тантанали маросим концерт дастурига уланиб кетди. Эл севган санъаткорнинг ичакузди хангомалари ва дилбар тароналари барчани хушнуд этди.

Ўз мухбирларимиз.

Суратларда: тантаналардан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



УНВОНЛАР МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда кўрсатётган фидокорона хизматлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан ички ишлар идораларининг куйидаги ходимларига навбатдаги полковник махсус унвони берилди:



Зайтов Эркин Аблизович – ИИБ Ахборот маркази бошлигининг ўринбосари – Ҳисоблаш маркази бошлиғи.



Наджимов Тохритдин Зухритдинович – ИИБ Ёнги хавфсизлиги бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари – Ёнги олддини олиш ва ёнги назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи.



Елмуратов Куралбай Аманбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи.



Мирзияев Мухтор Асрорович – Жиззах вилояти Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи.



Шерданов Холмўмин Нармуратович – Қашқадарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи.



Турсунов Рустам Раҳмонович – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи.



Сафаров Пулат Қиличевич – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи.



Ҳамдамов Машғулот Сағдуллаевич – Сурхондарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари.



Мағдиев Фарход Мирхадиевич – Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси бўлим бошлиғи.



Каримов Низомжон Бобоҳанович – Фарғона вилояти ИИБ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи.



Ҳамзин Ҳамид Ҳафизович – Хоразм вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари – ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати бошлиғи.



Гафаров Рамзидин Ҳафизович – Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси бошлиғи.

ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА

КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этди.



Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи Ватанимиз мустақиллиги байрами билан биргаликда нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаёти юртимиз тарихи ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ. Тошкентда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шаҳарда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, унинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва илмий салоҳиятининг тикланиши Ўзбекистоннинг 18 йиллик мустақил тараққиёт йўли билан узвий боғлиқ.

Улуғ байрамлар арафасида Тошкент шаҳрининг марказида миллий ва за-

монавий меъморлик аъналарини ўзида мужассам этган бетакрор ва мухташам «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи қад ростлади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тантанали мажлисни шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга берилди.

Президентимиз тантана қатнашчиларини, бутун халқимизни Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами билан қутлар экан, мустақиллик биз учун ўзлимизни англаш,

ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун улкан имкониятлар очиб берганини қайд этди. Миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда пойтахтимиз алоҳида ўринга ва бекиёс аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкентнинг сўлим бוגроғлари, фусункор табиати азал-азалдан дунё аҳли эътиборини ўзига тортиб келган. Шоир ва ёзувчилар, rassom ва бастакорлар ўз асарларида шаҳардаги сўлим гўшаларни жаннат боғларига қийслаб, завқу шавқ ила таъ-

риф берган. Ҳозир Тошкент улкан сайёҳлик инфратузилмасига эга замонавий шаҳардир.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг 2009 йил 20 августдаги фармонида биноан, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатларaro ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу аъналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилеи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ушбу юксак мукофот – «Мустақиллик» орденини топширди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Омбудсманнинг Наманган вилоятидаги минтақавий вакили, вилоят Ички ишлар ва Адлия бошқармалари билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида уч томонлама Келишув имзоланиб, амалга оширилаётган тадбирлар режаси тасдиқланган эди.

Қуни кеча вилоят ИИБда бўлган ўқув-семинар ҳам ана шу Келишув битимига мувофиқ ўтказилди. Уни вилоят Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ж. Нуриддинов очиб, ўқув-семинардан кўзланган мақсад ҳақида гапирди. Вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник О. Долимов инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси Н. Курбанов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курси бўлим бошлиғи А. Маматқулов инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари тўғрисида маъруза қилди.

Вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, подполковник О. Умаров ички ишлар идораларининг бу борадаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари хусусида тўхталди.

Абдурахим ДАДАБОВЕВ,
подполковник.

Наманган вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНING МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

2009 йилнинг 29 август куни тахминан соат 18.30 да 1-шаҳар касалхонасининг атрофида, «Кўкча» масжиди яқинида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5-уй, 3-хонадон манзилида Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқаддам Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир

қатор қотиллик жиноятларини содир этган террорчиларнинг гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган. Ушбу ҳолат ҳақида маълумот тезкор-тергов тадбирлари ўтказилаётганлиги сабабли берилмаган.

Ўтказилган тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган, хорижий тер-

рористик марказларда ҳарбий тайёргарлик ўтаган уюшган жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан, қидирувда бўлган, жиноий гуруҳ раҳнамоси Маҳмудов Шавкат Дилшотович йўқ қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Бош прокуратураси то-

монидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинмоқда ва зарурий тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, шу террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва икrorий кўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати ушбу жиноий гуруҳ аъзолари устидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижаси буйича қўшимча маълум қилади.

ФИКРЛАШИБ ОЛДИЛАР

Сирдарё вилояти ИИБда «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Вилоят прокуратураси, Адлия бошқармаси, Жиноят ишлари ҳамда Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари, Адвокатлар палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) вилоят бўйича минтақавий вакили Р. Турдиев, вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, майор О. Абдуллаев иштирок этди. Семинарда сўзга чиққанлар инсонларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда прокуратура, суд, ички ишлар ва маҳаллий ҳокимиятлар идораларининг ўрни ҳамда вазибалари ҳақида батафсил фикрлашиб олдилар.

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ.

2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Комилжон Адизов 2002 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилади. У фаолият кўрсатаётган ҳудуддаги маҳаллаларда ўн мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

— Фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳалла ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётганимиз ижобий самара бермоқда, — деди у айна дамда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапириб. — Ҳафтанинг сешанба кунлари маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, унда мавжуд муаммолар муҳокама этилади. Айтиш жоизки, оилавий низо-лар, кўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишда ҳамжиҳатлигимиз қўл келмоқда. Халқимизда “Бирлашган ўзар” деган мақол бор. Ҳамкасблари ҳамда ўзи хизмат ўтаётган ҳудуд аҳли орасида тобора ҳурмат топаётган жонкуяр профилактика инспектори, капитан

Комилжон Адизов фаолияти мисолида ана шу ҳикмат ифодасини кўриш мумкин.

ўрганди, аҳолининг турмуш шароити, оилавий аҳволи билан яқиндан танишиди, кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга кексалар билан суҳбатлашди. Ёшларнинг буш вақти қандай ўтаётгани билан қизиқди. Мукаддам сулланганлар, меҳнатга ҳуши йўқ бекорчилар, ичкиликка ружу қўйган, нотинч

ни билмай қўя қолсин, — деди қария ўрнидан оғир кўзгаларкан минг бир истиҳола билан, — орияти кучли, тагин кўнглига оғир олмасин дейман-да! Отаҳон бир-бир босиб хонани тарк этаркан, профилактика инспектори бу муаммони қандай ҳал этиш йўлларини қидирарди. «Ўзи билан

сотих ердаги томорқаси яшнаб турганмиш. Бугун қишлоқларимиз жамоли тубдан ўзгарган. Ҳудудда иккита қишлоқ врачлик пункти, иккита мактаб мавжуд. Яна бир янги коллеж қуриляпти. Ҳадемай ишга тушади. — Президентимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон

туманимизда янги ташкил этилган ўқув марказида сартарошлик, ҳамширалик иши, чеварлик ва пазандалик каби касб сирларини ўрганишмоқда. Мулоқот давомида шу нарса аён бўлдики, ёшларнинг буш вақтини мазмунли ўтказиш, улар томонидан турли ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишининг олдини олиш мақсадида мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлиги йўлга қўйилган. “Ёшлар — гиёҳвандликка қарши”, “Жиноятчиликка қарши курашда хотин-қизларнинг ўрни”, “Одам савдоси — давр муаммоси” каби мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқий билимини бойитишда муҳим омил бўлмоқда. Эзгу ниятлар билан халқимизда хизмат қилаётган профилактика инспектори, капитан Комилжон Адизов суҳбатимиз аввалида ўзи эътироф этганидек, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек хайрли ишга ҳисса қўшаётгани, куч-қуввати ва билимини ана шу улғу мақсад йўлида сарф этаётганидан мамнун. **Нигора РАХИМОВА, майор.** *Навоий вилояти.*

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

— Профилактика инспектори одамлар дардини тинглай олади-ган, самимий, хушмуомала, жонкуяр бўлса албатта, эл ишончини қозонади, — дейди “Галабек” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшан Пардаев. — Комилжонда ана шундай эзгу фазилатлари мужассам. Ёш бўлса-да мулоҳазали, фикри теран, меҳнаткаш йигит. Ҳа, маҳалла раиси таъкидлаганича бор. Эл эътирофи, эътиборига сазовор бўлиш осон эмас. Бундан икки йил мукаддам профилактика инспектори бўлиб иш бошлаган К. Адизов аввало ҳудуддаги ижтимоий вазиятни обдон

оилалар билан алоҳида суҳбатлар ўтказиб, профилактик ишларни кучайтирди. Натижада қисқа фурсат ичида шижоатли, тиниб-тинчимас ходим эл назарига тушди. Бир кун кечки пайт ҳузурга кирган отахон ўғли анчадан буён ишсиз юргани, шу сабабли оиласида моддий етишмовчилик юзага келиб, набиралари бироз қийналиб қолишганини гапирди. — Боламдан хавотир-дамдан, — деди отахон ташвишланиб, — кейинги пайтда ўзига ўхшаган уч-тўрт ўртоқлари билан ичкиликка берилиб, улфатчиликдан бушамаяпти. Сизга учрашганим-

алоҳида суҳбатлашганим маъқул», дея у эртанги ишларини режалаштираркан даставвал отахоннинг ўғли билан учрашишни дилига тутиб қўйди. У билан учрашиб бафуржа гаплашиб олди. Кўп ўтмай Юсуф (исмлари ўзгартирилган) ўқув муассасаларининг бирида хўжалик ишлари мудир бўлиб ишлай бошлади. Маҳалла оқсоқолининг айтишича, айна пайтда унинг кўчасидан ўтган одамнинг кўзи қувнаркан. Уларини қайта таъмирлабди, кўни-қўшнилари билан келишиб, кўпдан буён ёзда чанг, қишда лой бўлиб ётган кўчага тош тўктириб, асфальт ётқизиш ҳаракатида экан. Ўн икки

қилинган жорий йилда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда, — деди бу борада ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашаркан, Ж. Ҳамроев номли маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойдин опа Холбоева. — Кейинги йилларда ёшларимизга хунар ўргатиш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида амалга оширилган кенг қамровли ишларни тилга олсак арзийди. Ўғил-қизларимиз улгари бирор касб-хунар ўрганиш иштиёқида вилоят марказига қатнарди. Айна пайтда

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ

Андижон вилоятидаги Корасув шахрининг гавжум ҳудудларидан бири Учтегирмон маҳалласи ҳисобланади. Тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган мазкур гўшада профилактика инспектори, капитан Пўлатжон Жўраев хизмат қилади.



УЧТЕГИРМОНДА ОСОЙИШТАЛИК

— Пўлатжон ўз касбига меҳр қўйган ходимларимиздан бири, — дейди шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Хайрулло Исмоилов. — У хизмат қиладиган ҳудудда жиноятчилик ўтган йилларга нисбатан деярли 70-80 фоизга камайди. Бу профилактика инспекторининг маҳалла посбонлари, фаоллар ва кенг жамоатчилик билан алоқани мустаҳкамлаб олиб борган ишлари самарасидир. Профилактика инспектори хизмат олиб бораётганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бу йигит келгач маҳалладаги кўплаб тартибсизликларга барҳам берилди. Спиртли ичимликка ружу

қўйганлар, жанжалкаш оилалар бор эди. Фаоллар билан бамаслаҳат иш олиб борган Пўлатжон Жўраевнинг саъй-ҳаракати туфайли бу каби салбий ҳолатларнинг олди олинди. Маҳаллада содир этилаётган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ўз вақтида фош этилмоқда. Профилактика инспекторининг фаоллиги билан 3 та жиноят «иссиқ изида» очилди. — 33 нафар шахс профилактик ҳисобга олинган, — дейди капитан Пўлатжон Жўраев. — Улар билан деярли ҳар кун суҳбатлашаман. Айниқса, мукаддам судланганлар қандай

юмуш билан шуғулланаётгани доимий эътиборимизда. Жорий йил бошидан буён улардан уч нафари бевосита фаоллар ёрдамида ишга жойлаштирилди. Эл осойишталигини таъминлаш бурчи эканлигини ҳис этиб, уни адо этиш йўлида хизмат қиладиган бу жонкуяр ички ишлар ходими келгусида янада улкан ишларни амалга ошириб, кўплаб ютуқларни қўлга киритишга ишончимиз комил. **Азизхон БУЗРУКОВ, журналист.** *Андижон вилояти.* **Суратда: профилактика инспектори, капитан Пўлатжон Жўраев хизмат пайтида.**

ТУШИ ЎНГИДАН КЕЛДИ

Туш пайти салқин хонада ухлаб ётган Сарвиғул бақириб уйғонди. Унинг овозидан қизи ҳам чучиб тушди. Қараса, онаси қора терга ботган, ўтирган ҳолда нималардир деб пичирлар эди. — Ойижон нима бўлди? — Ёмон туш кўрдим, катта-кон чуқурга тушиб кетиб, қайтиб чиқолмадим. Анави «мол»ни тезда айтган жойимга ташлаб кел. Кўнглим ниманидир сезяпти. Қиз кўрқинч билан ташқарига қаради. Наҳотки, тожикистонлик қариндоши ташлаб кетган «мол»дан ички ишлар ходимлари хабар топган бўлса. Кўнглига баттар гулгула тушган аёл эшик тақиллаганидан кейин батамом қарахт бўлиб қолди. Унинг ҳолатини кўрган қизи томорқа томонга чопиб кетди. Дарвозахонада эса ички ишлар ходимлари кутиб туришарди. — Бу аёлнинг гиёҳвандлик моддалари олди-соттиси билан шуғулланаётгани ҳақида хабар олганимиз заҳоти унинг уйига етиб бордик, — дейди Самарқанд вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Шухрат Фаниев. — Ҳақиқатан ҳам аёлнинг уйдан елим халтачаларга солиб қўйилган героин моддаси топилди. Биз ҳовлига кириб келганимизда бир қиз тоғ томонга қараб

қочди. Бу бежиз эмаслигини ҳис этиб, ходимлардан бири уни ушлаб келди. Қизнинг қўлидаги халтада ярим килодан кўпроқ героин бор экан. Ургут туманидаги Авазмерган қишлоғида яшовчи Сарвиғул Жамилова гиёҳвандлик воқисаларини қонунга хилоф равишда сақлаш жиноят эканлигини яхши билган. Тезкор ходимлар унинг қилмишдан хабар топиб, хонадонга келиб текширув ўтказганларида ўлчов тарози, оғу солишга мўлжалланган елим халтачалар ва сотишга тайёрлаб қўйилган героин топилди. — Гарчи аёл оғуни кимдан сотиб олганини яшираётган бўлса-да, чегарага яқин бу қишлоқдаги гиёҳфурушларни таъминлаб турганларни ҳам топамиз, албатта, — деди майор Ш. Фаниев. — Унинг уйдан 904 грамм героин ва 283 грамм опий далилий ашё сифатида олинди. Аёлнинг жиноятини фош этиб, қўлга туширишда подполковник Фулом Расулов, майор Шухрат Фафуровлар жонбозлик кўрсатишди. Ҳа, аёлнинг туши ўнгидан келди. У гиёҳвандлик моддалар олди-соттисига аралашгандаёқ қабоҳат ботқоғига қадам ташлаганини афсуски, жуда кеч тушуниб етди. **Садриддин ШАМСИДДИНОВ, Самарқанд вилояти.**

«ҚОРАДОРИ — 2009»

ХАЛҚИМИЗ ҒУРУРИ – ҚАЛБИМИЗ СУРУРИ

Халқимизнинг энг улуг байрами – Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳам қутлуг, ҳам шуқудли келди. Шодиёналарга «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали ва азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўй улаиб кетгани эса ҳар биримизга ажиб кўтаринкилик, ўзгача кайфият бахш этди. Айниқса, ўн саккиз ёшга тўлиб, мустақил ҳаёт оstonасида турган мустақиллик тенгдошлари учун бу дамлар бир умр унутилмас бўлиб қолди.

Қушалоқ айёмлар пайтида хиёбонлар, истироҳат боғлари ва кўчаларда ташкил этилган сайиллар аввалгиларидан фарқли ўлароқ, бир неча кун давом этди. Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари худди келинчақдек бежанган шаҳар чиройи, ҳусн-малоҳатига боқиб тўйишмасди. Ҳамма шодхуррам, лабларда кулгу, чехраларда табассум. Одамлардаги яқдиллик ва бахтиёрлик беихтиёр сизга ҳам ўтади. Бўлмасам-чи, мустақиллик йилларида пойтахт мислсиз ўзгариб, обод, кўркем, шинам бўлганидан ким ҳам қувонмайди, дейсиз.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган Тошкент истиқлол йилларида ҳар томонлама

юксалди. Бу ердаги ҳар бир маскан тарихий анъаналари, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий салоҳиятига муносиб тарзда қайта тикланди. Янгидан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бино ва иншоотлар, йўллар, тураржойлар яхлит меъморий ечими билан алоҳида ансамблини ташкил этди. Шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилиб, замонавий ва халқаро талабларга жавоб берадиган бино ва иншоотлар қурилди. Банклар ассоциацияси, Давлат консерваторияси, Болалар ижодиёт уйи, Миллий расомлик галереяси, Ўзқўргазмасавдо, Эски жува майдонидаги ўзбек либослари галереяси, «Тошкент» халқаро аэро-

порти, Шаҳидлар хотира-си майдони, Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудидаги кўргазма павильони, Халқаро Вестминстр университети шулар жумласидандир. Байрам арафасида пойтахтимиз марказида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи қад ростлагани нур устига нур бўлди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тантанали мажлис ҳамда катта байрам концерти айнан ана шу саройда бўлиб ўтгани юрт-

салоҳияти, балки гузал майдон ва хиёбонлари, маъмурий обидалари, дам олиш масканлари, замонавий спорт мажмуалари билан ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда.

Тўйга тўёна билан деганларидек, юбилей муносабати билан sanoat, транспорт, қурилиш, илм-фан, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда талайгина ишлар қилинди. Шу боис ҳам Тошкентда азим шаҳарнинг тарихига бағишлаб ўтказилган халқ-



нинг бой тарихи ва ҳозирги тараққиёти, Марказий Осиё дурдонаси ва «Шарқ дарвозаси» деб аталишига улкан ҳисса қўшган меҳнаткаш шаҳар аҳли ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкент – non шаҳри. У тинчлик, биродарлик ва қардошлик шаҳри сифатида ҳам эъзозланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ушбу заминнинг

тупроғи олтинга қиёслагудек, одамлари бағрикенг, меҳмондўст. Ўзбекистон тимсолида Тошкентни, Тошкент тимсолида эса Ўзбекистонни севиб, ардоқлаётган юртдошларимиз ўзининг 2200 ёшида ҳам навқирон, гузал ва кўркем пойтахт шаҳар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Саъдулла ШОДИЕВ.



лошларимиз қалбида фахрифтхор туйғуларини уйғотди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Тошкент шаҳри муҳим ўрин эгаллайди. У қудратли sanoat, илмий салоҳият ва ҳар томонлама ривожланган инфрагузумага эга. Пойтахтда sanoat маҳсулотлари, шунингдек, кенг турдаги халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик sanoat корхоналари мавжуд. Тошкент нафақат юксак иқтисодий-ижтимоий

ро илмий конференцияда Осиё ва Европа цивилизациясининг турли даврларида пойтахтимизнинг туган беқиёс ўрни дунё олимлари томонидан алоҳида таъкилланди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида чоп этилган «Тошкент – бир шаҳар тарихи» деб номланган тўпламда эса Тошкент тарихига оид муҳим воқеалар, мустақиллик йилларида барпо этилган муҳташам замонавий бинолар, пойтахтимиз-



ЯНГИ НАШРЛАР

«ЭКОСАН»НИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида «Тошкент тарихида табиат ва инсон муносабатлари» деб номланган рисола чоп этилди. Мазкур нашр Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ва Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан республикамизда ўтказилаётган тадбирлар қаторида уюштирилган конференция материалларини ўзида жамлаган бўлиб, ўзаро ўзвий боғланган табиат ва жамият муносабатлари тарихига бағишланган.

Республикамизда кенг нишонланган кўҳна ва навқирон Тошкент юбиле-



инга муносиб совға бўлган мазкур тўпламда тақдим этилган маъруза ва мақолаларда шаҳар аҳолисининг турмуш тарзи, анъаналари, шунингдек, иқтисодий, сиёсий ва ма-

данлий ҳаёти ёритиб берилган. Тўпламдан ўрин олган олимларнинг кенг қамровли тадқиқотлари янги археологик тадқиқотлар натижалари, илмий-тарихий материаллар, қадимий ҳамда замонавий манбаларга таянганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу китобчани мутолаа қилган киши Тошкентнинг қадимий номлари, даҳалари, Шош воҳаси олимларининг маданий-маърифий мероси, пойтахт маҳаллалари ва сув ҳавзалари топонимикаси, экотизим барқарорлиги ҳамда бошқа мавзулардаги қизиқарли маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.

Мусулмон оламида муборак Рамазон ойи давом этмоқда. Рўза кишиларни эзгуликка, яхшиликка олиб борадиган фарз амалларидан биридир. Бу ойда Пайғамбаримиз Мухаммад (С.А.В) Ҳадиси шарифларини ўқиб ундан ибрат олиш ва ҳаётда қўллашнинг савоби янада улуг бўлади. Шу боис Ҳадиси шариф намуналаридан эътиборингизга ҳавола этамиз:

РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИС-САЛОМ АЙТАДИЛАР:

Илмнинг офати – эрдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир.

Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлгон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

Бидъат-хурофотга

берилган одам то уларни тарқ этмагунча, унинг қилган савобли ишларини Тангри қабул қилмайди.

Тангридан қўрқинг. Яхши ва хайрли ишларнинг бирортасини кичик санаманг. Сув сўраган кишининг идишига челақдан сув куйиб бериш билан ёки биродарингизни очик юз билан қарши

олиш билан бўлса-да, эзгулик қилинг.

Тангри наздида энг яхши гап – рост гаплар.

Ўзинга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!

Дўстингни енгилроқ севгинки, кун келиб душман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманингга ҳам енгилроқ адоват қилгинки кун келиб дўст бўлиб қолиши мумкин.

Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг. Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг!

Ёв томондан бирор киши ўз жонига омонлик сўраб келса, уни ўлдирманг.

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI I CNKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BEBDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami
2021000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
innovatsion tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.
INN 200637499.

«O'zbekiston»
nashriyot-matbaa ijodiy
uyi bosmaxonasida
chop etildi. Korxonada
manzili: Alisher Navoiy
ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-8033. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57434 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.